



ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Хамрокулова Шахноза Эркиновна

Ўзбекистон Миллий Университети Ижтимоий фанлар
факультети Педагогика ва умумий психология кафедраси
докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5651862>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-oktabr 2021
Ma'qullandi: 25-oktabr 2021
Chop etildi: 30-oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Экологик тарбия,
экологик онг, экологик
маданият, ўйин
технологияси,
интерфаол методлар,
дастурий таъминот
воситалари, атроф-
муҳит, экологик
муаммолар

ANNOTATSIYA

Мазкур мақола мазмуни мактаб таълим тизимида экологик тарбия масалаларига бағишланган. Муаллиф мактаб таълимида экологик тарбия механизмларини ривожлантиришда ёрдам берадиган дастурий таъминот воситаларини атрофлича таҳлил этган. Мактаб ўқувчиларининг қизиқишлари ва ёшига мос тасаввурни оширишга, дунёқарашни кенгайтиришга ёрдам берувчи технологияларга ҳамда дастурий таъминот воситаларига эътибор қаратган. Таълим мазмунини бойитишга хизмат қилувчи дастурий таъминот воситалари ҳамда экологик тарбия механизмларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган ўйин методларига эътибор қаратган.

Замонавий технологиялар ва фан техника тараққиёти ривожланиши билан таълим-тарбия тизимида ҳам дастурий таъминот воситаларидан фойдаланиш тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ва таълимда электрон ресурслар билан таъминланганликни ошириш айти вақтда асосий масалалардан бўлиб турипти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1730-сонли Қарори;

2013 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1989-сонли Қарори; 2020 йил 28 апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4699-сонли Қарорларга мувофиқ таълим ва тарбия тизимида электрон платформалар ва электрон ресурслар билан таъминланиш даражаси ва сифатини оширишга эътибор қаратилмоқда. Замонавий техника ва технология ривожланиши билан бир қаторда атроф-муҳитга бўлган муносабатларни тўғри тартибга



солиш, экологик тарбия механизмларини такомиллаштиришда дастурий таъминот воситаларидан фойдаланишни ривожлантириш ҳам айна вақтда долзарбдир. Таълим порталларини электрон ресурслар билан бойитиш таълим мазмунини оширишда ва маънавий-ахлоқий ҳамда ижтимоий тарбия масалаларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Таълим-тарбия масалаларига дастурий таъминот воситалари орқали ёндашишнинг ва фойдаланишнинг қулайлиги шундаки:

- Катта аудиторияни қамраб олиши;
- Ресурслардан фойдаланишнинг давомийлиги ва узлуксизлиги;
- Ресурсларнинг тизимлилиги ва бир бир-бирини тўлдириб бориши;
- Билимларни бошқариш ва тартибланишнинг осонлиги;
- Фидбек – қайта алоқага киришишнинг қулайлиги;

Экологик тарбия механизмларини такомиллаштиришда қандай дастурий таъминот воситаларидан фойдаланиш мумкин?

Онлайн тестлар – билимларни текшириш, такрорлашга асос бўлади. Саволларга жавоб бериши билан тез фурсатда жавобларнинг чиқиши фойдаланувчиларда хатолар устида ишлашга кўпроқ имконият яратади.

Қизиқарли анимациялар – табиатни муҳофаза қилишга оид кўникмаларни шаклланишига ва ривожланишига ёрдам беради. Турли образларни намоён қилишда инсонлар фаолияти натижасини кўриш билан бирга хулоса чиқаришни ўргатишда аҳамиятлидир.

Геймфикацион образлар–экологик тарбия механизмларини такомиллаштиришда ва табиатни муҳофаза қилишни ўқувчиларда одатга айлантириш кўникмаларини ривожлантиришда ёрдам беради. Геймфикация – таълимнинг фаол шакли бўлиб, таълим жараёнини бой ва қизиқарли ўтишида ижобий натижа беради.

Онлайн дарслар – ўқиш ва ўрганиш учун қўшимча таълим-тарбия воситалари сифатида ўқитувчи ва ўқувчига манбаа бўлиб хизмат қилади. Онлайн дарс ҳар қандай вазиятда ҳам ўқувчи дарсларни ўзлаштиришига ва билим, кўникма ва малакаларн такомиллаштиришда қўшимча дастур сифатида жуда катта ёрдам беради.

Онлайн машқлар – билим, кўникма, малака, компетентликни ошириши билан биргаликда ўқувчининг тезкорлигини оширади. Ўқувчилар уй вазифаси сифатида ишлашлари учун ҳам онлайн машқларнинг фойдаси катта.

Дастурий таъминот воситаларидан фойдаланиш орқали экологик тарбия механизмларини такомиллаштиришда онлайн платформалар билан ишлашнинг аҳамияти ҳам тобора ортиб бормоқда. Платформада ишлашнинг энг қулай томони – унинг бир бутун тизимлилигидир. Ўқиш, ўрганиш, билимларни текшириш, қайта алоқага киришишнинг қулайликларини айтиб ўтиш жоиз. Дунё бўйича ўқувчиларда экологик онг, экологик маданият ва табиий муҳитни асраб-авайлаш тушунчаларини кенг тарғиб қилувчи мобил иловалар ишлаб чиқилган.



Булардан энг машхурларини айтиб ўтиш жоиз.

Earth-now – NASA ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган мобил илова бўлиб унда ҳар бир фойдаланувчи Ер юзининг турли ҳудудларидан туриб ҳам атроф – муҳитни ўзгариши, иқлим ўзгариши, озон қатлами, атмосферадаги турли ўзгаришларни кузатиб бориши мумкин. Мобил илова онлайн тизимда ишлайди ва маълумотлар ўзгариб туради. Тизимнинг қулайлиги шундаки, энг сўнгги маълумотларни олиш ва янгиликларни кузатиш имкониятлари жуда кўп.

EcoKids – белоруссиялик дастурчилар томонидан яратилган болалар учун ўйинлар мобил иловаси. Кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган ушбу илова ёшларда табиий муҳит ва инсон муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни ва сувни муҳофаза қилиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Экологик тарбия механизмларини такомиллаштиришда умумтаълим

мактаб дастурларида фанлар доирасида турли инновацион технологияларни қўллаб дарс ўтиш, кўргазмали маълумотларни тақдим этиш, онлайн дастурлардан фойдаланиш, ўйин технологияларини киритиш, кузатув ва тажриба ўтказиш методларидан фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Табиий муҳитни асраб-авайлашни ўқувчиларга ёшлигиданоқ сингдириш, табиат ва инсон муносабатларида уйғунликка эришишга ўргатиш барча педагогларнинг олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ҳозирги кунда ИТ технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир вақтда дарсларни бир хилликдан чиқариш, ўқувчиларга дастурий таъминот воситалари ёрдамида ёрқин образлар намоён этиш билан улардаги маънавий-ахлоқий ва ижтимоий тарбияни ривожлантириш, таълим порталларини ресурслар билан бойитиб бориш ҳозирги замон ўқитувчисининг олдида турган муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. -Т.: Фан, 2007.
2. Қодиров Б.Ғ., Бегимкулов У.Ш., Абдуқодиров А.А. "Ахборот технологиялари". Электрон дарслик. 2002 й.
3. Хамрокулова Ш.Э. Умумтаълим мактабларида экологик таълим тарбияни такомиллаштириш масалалари–Academic research in educational sciences, 379-б. 2021 DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00413
4. https://livingasia.online/amp/2017/04/04/ecology_mobile_apps/